



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№49 (79) 5.12.2019 йил

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ишончли ҳаёт солномаси



Ишонга суянманг — у ўткинчи, пулга ишонманг — у ўзгарувчи, худди баҳор ҳавоси сингари. Бу оламда муваққатлик фақатгина қонун ва қоидаларга хосдир. Рус адабиётининг беқиёс намоёндаси А.С.Пушкин ҳам бежизга «Мен император ҳимоясидан кўра қонун ҳимоясини афзал кўраман», дея таъкидлаган. Сабабки, қонуннинг бўҳтонларни тинглайдиган қулоқлари, ёлгон иғволарга ишониб қоладиган кўзлари, таниш-билишлари-ю, қон-қариндошлари йўқ. Унинг олдида барча тенг, у барча учун баробар. Шу боисдан ҳар қандай демократия талаби — давлат унинг одиллиги асосига қурилгани, халқ манфаатлари учун хизмат қиладиган қонунлари борлигидадир.

Ҳар бир мамлакатнинг бошқаруви, ҳукумат фаолиятининг тартиб-тамойлари, жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини ўзида жамлаган асосий ҳужжат бу конституциядир. «Конституция» — «тузилиш», «тузук» сўзларининг лотин тилидаги кўриниши ҳисобланади. Унинг дастлабки намунаси АҚШда пайдо бўлиб, кейинчалик рад этилганди. Маълумотларга кўра, энг қадимги Конституция Польшада яратилган бўлиб, 1792 йилда қабул қилинган. Лекин бу фикрга қўшилиш қийин. Конституция ўзбек тилида «тузук» маъносини билдирад экан, нега энди Амир Темур бобомиз давлатни бошқаришда асосий қонун сифатида фойдаланган «Темур тузуқлари» (XIV аср) ушбу қонуннинг энг биринчи намунаси бўла

олмайди?! Темур тузуқларида ҳам конституцияда бор бўлган барча хусусиятлар мавжуд. Назаримда, Шарқ тамаддунинг ҳақиқий бешиги эканини шу биригина мисол билан ҳам исбот қилиш мумкин...

Қачон биз ўз одимимизга ишонамиз, қачон биз эркин нафас оламиз?! Қачонки, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни, эркимизни англаганимизда. 27 йилдики, ўзбекистонликларнинг қадди тик, нигоҳлари ҳадиксиз боқади,

Конституциямиз халқимиз тафаккури, тарихимиз нақш солган ишончли ҳаётимиз солномасидир.

қадамлари эса шаҳдам. Чунки уларнинг эрки, шахсий ҳуқуқларини ҳимояловчи, жаҳон стандартларига тўлақонли жавоб бера олувчи Конституцияси 27 йил муқаддам ўз тасдиғини топган. Бош қомусимизнинг мураккаб ва муҳим, айни чоғда шарафли солномасига назар солар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига ишонч ҳосил қиламиз. Миллий Қомусимиз яратилишида уч минг йиллик давлатчилик тажрибаси ва жаҳоннинг 97 мамлакат конституцияси намунасига таянилганлиги аждодларимизнинг кўп асрлик орзуларини ўзида акс эттирганидан ҳам англашилиб турибди.

Давоми 3-саҳифада

Ушбу сонда

Янги театрга Президент совғаси



2-саҳифада

Мақом йўлларидаги энг яхши асар



3-саҳифада

Танловнинг республика босқичи нима бўлди?



3-саҳифада

Илмий-амалий конференция



Маданият марказларига алоҳида эътибор

29 ноябрь куни Ўзбекистон давлат консерваториясида "Маданият марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш — давр талаби" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев, туман-шаҳар маданият марказлари раҳбарлари ва соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Сўнгги йилларда юртимизда бошқа соҳалар каби маданиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистоннинг шаҳар ва туманлари, қишлоқлари, чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг бар-

ча қатламларига маданий хизмат кўрсатиш белгилаб берилган.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилувчи маданият марказлари ҳам бугун эътибор марказида. Уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, мақсад ва вазибаларини тўғри белгилаш асосий мақсадлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривож-

лантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори ҳам мана шундай хайрли ишларга қаратилган эди. Ушбу ҳужжатда 21 та маданият марказини янгидан қуриш, 45 тасини реконструкция қилиш, 76 тасини капитал таъмирлаш белгилаб қўйилган.

Қарор ижросини таъминлашга қаратилган Республика илмий-амалий конференциясида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларда маданият марказларининг ўрни, ўзбек халқ дostonларини ёшларга ўргатишнинг инновацион йўллари, бахшичилик санъати ҳамда бадий ҳаваскорлик тўғрақларини ташкил этишнинг аҳамияти каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Маданиятни ривожлантирмай туриб, жамиятни ривожлантириб бўлмайди.

Давоми 3-саҳифада

Донолар сўзлайди...

Қонунлар адолатли бўлганида, кишилар ҳам одил бўлишади.

(А.Франс)

Қонунни билмаслик жавобгарликдан халос қилмайди. Лекин билиш кўп ҳолларда халос қилади.

(С.Лец)

Қонунлар биздан кучли, биз эса қонун билан кучлимиз.

(Демосфен)

» Ракс танлови

**Форишда
“Ёшлик
завқи”**



Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ижроси юзасидан 2019 йил 16 ноябрь куни Фориш Маданият бўлими томонидан “Ёшлик завқи” миллий рақслар танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда маданият марказларида ташкил этилган бадий ҳаваскорлик тўғрақлари аъзолари ҳамда 12 ёшдан 25 ёшгача бўлган 12 нафар

ҳаваскор ҳамда “Бойчечак”, “Нурзиё”, “Шабнам” болалар рақс жамоаларидан жами 30 нафарга яқин иштирокчилар қатнашди.

Улар томонидан “Доира”, “Бухороча”, “Хоразмча” ўзбек миллий, шунингдек, “Тумор”, “Хаёли қиз”, “Муборакбод”, “Фарғона рубойиси” каби куйларга саҳналаштирилган рақслар ҳам намойиш қилинди.

Танлов якунида “Доира рақси” ижроچиси Д.Дехқонова ҳамда Фориш маданият маркази қошидаги “Жозиб” рақс гуруҳининг “Муборакбод” рақси ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилди, вилоят босқичига йўлланма берилди.

**Ш.Дархонов,
Фориш тумани маданият
маркази мутахассиси.**

» Ўзбекистон ва рағбат

Янги театрга президент совғаси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбек мақом санъати маркази ҳузурдаги Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, 29 ноябрь куни Мусиқали мақом театрининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирни шаҳар ҳокими М.Убайдуллаев очиб берди. Кечада, шунингдек, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси Е.Аҳмедов, Маданият вазирлиги Театрларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Йўлдошев, Ўзбек мақом санъати маркази директори С.Бегматовлар ҳам сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан театрга ижодий гастроль сафарларини юқори савияда ташкил этиш ҳамда моддий-техника базасини яхшилаш учун “Президент совғаси” – янги (ISUZU) автобус топширилди. Очилиш маросимдан сўнг Туроб Тўла асари асосида режиссёр Сайфиддин Мелиев томонидан саҳналаштирилган “Шошмақом” спектакли премьераси намойиш этилди. Мазкур театрнинг ташкил қилинишидан мақсад – мамлакатимизда бадий жиҳатдан юксак асарларни саҳналаштириш, театрлаштирилган томоша ва концерт дастурлари орқали мақом санъатини тарғиб этиш, шунингдек, қизиқчилик ва аския санъатининг саҳнавий сюжетларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, юқори малакали мақом ва театр санъати ижодкорлари имкониятларини намойиш этиш;

мақом ижрочилиги йўналишида устоз-шоғирд анъаналарини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, актёрлик маҳорати ва мақом санъати ижрочилиги бўйича мақом, театр ва санъат муассасалари ижодий ходимлари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг мақом театри йўналишида амалиёт ўташларини ташкил этиш; хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, чет элдан малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда тренинг, маҳорат дарслари, мақом театри санъати билан боғлиқ ўқув-тажриба машғулотлари ҳамда махсус лойиҳаларни амалга ошириш;

мамлакатимизда ва хорижий давлатларда гастроль фаолиятини амалга ошириш, фестиваль, кўрик-танлов, мақом кечалари, учрашувлар, ижодий кечалар, қизиқчилик ва аския томошалари ҳамда бошқа тадбирларини ташкил этишдан иборат.

» Анъаналар меросҳури

Ўзбекистон — бағрикенг ўлка



Марказий Осиёда этник ва диний хилма хилликка қадимдан ҳурмат билан қараб келинган. У азалдан динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлар туташган марказ ҳисобланади. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун энг зарур табиий меъёрларга айланди. Диний бағрикенглик ҳамisha адоватга қарши ўзига хос қалқон вазиғасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган.

Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагога (яхудийлар ибодатхонаси)лар фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ўз диний амалларини эркин адо этиб келишган. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир давларида ҳам улар ўртасида диний можаролар бўлмагани халқимизнинг диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради.

Ўзга халқлар тили, урф-одатлари ва анъаналарига чуқур ҳурмат, уларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, маданий-матрифий эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ўзбекона бағрикенгликнинг ёрқин хусусиятидир. Айнан мана шундай бағрикенглик, сабр-бардошлилик

маданиятимизнинг беназир намуналарини сақлаб қолиш, асрлар синовидан олиб ўтиш, камол топтириш ҳамда ўзга маданиятларнинг аҳамиятли жиҳатлари билан бойитишга шароит яратди. Ўз навбатида бундай муносабат халқимизга хос бўлган хулқ-одоб меъёрлари, маънавий қадриятларнинг қўшни халқлар томонидан қабул қилинишига йўл очгани ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Бурхониддин ал-Марғиноний (1123-1197) ҳам ўзининг “Ҳидоя” асарида “Мусулмонлар диёрида черков ва ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, уларни ўз жойида яна қайта тиклаш мумкинлигини” алоҳида айтиб ўтган. Юртимиз алломалари томонидан яратилган ислом манбаларида диний бағрикенгликка оид бу каби матнларни кўплаб топиш мумкин. Бундай қайдлар бизнинг Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида экспонат сифатида сақланаётган китобларда ҳам келтирилган.

Мустақиллик туғайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори дин ва диндорларга бўлган муносабатда ҳам туб ўзгаришларга йўл очилди. Яқин ўтмишда диний қадриятларни библия ва ўрганишга бўлган қизиқиш, интилиш салбий баҳоланар эди. Хозирда эса диний урф-одатлар, анъ-

аналар, қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун етарли шарт-шароит яратиб берилган.

Ўзбекистон том маънода диний бағрикенгликнинг меросҳури сифатида жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилмоқда. Зеро, мозийда ҳам диний бағрикенглик шу заминда яшовчи турли эътиқодга мансуб халқларни олий мақсад – юрт фаровонлиги сари интилишларини таъминловчи муҳим омил бўлиб келган. Шундай анъаналарни давом эттириш ниётида бизнинг музейимизда ёшлар билан ишлаш, уларга дин ва диний бағрикенглик тушунчаларини тўғри сингдириш учун мактаб ўқувчилари ва талабалар ўртасида тез-тез илмий ходимлар томонидан тадбирлар ўтказиб турилади.

Бундай тадбирлар ёш авлоднинг диний нуқтаи назардан тўғри тарбия олишида муҳим аҳамият касб этади.

**Ш.Азизова,
Фарғона вилояти тарихи ва
маданияти давлат музейи катта
илмий ходими**

» Табиат ва инсон



“Уйғон, Оролим”

26 ноябрь куни Самарқанд вилоят Каттакўрғон шаҳри 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабида “Уйғон, менинг Оролим” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда шаҳардаги мусиқа ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари томонидан чизилган Орол денгизини қутқариш мавзусидаги расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан “Менинг Оролим” қўшиғи қуйланиб, иқтидорли ёшлар, ҳаваскор ижодий жамоалар ўз чиқишлари билан қатнашишди. Ташриф буюрганларга орол денгизи муаммоси ва унга безътибор бўлмаслик ҳақида тушунчалар берилди.

Тадбир Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши, шаҳар халқ таълими ва мактабгача таълим бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилди. Фаол ўқитувчи ва ўқувчилар фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

«Ешлар – келажигимиз»

Устоз – қадри буюк муаллим!




Ўзбекистон Республикаси Президент Администратсияси топириги ижросини таъминлаш юзасидан Хоразм вилоятида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ таълими тизимида таълим сифатини яхшилаш, жамиятда ўқитувчилик

касби нуфузини тиклаш мақсадида 24 ноябрь кунни маданият бўлими, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда халқ таълими билан биргаликда «Устоз – қадри буюк муаллим!» мавзусида тадбирлар ўтказилди. Барча тадбирлар сценари

асосида режалаштирилган концерт дастурлари, бастакор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, фольклор санъати вакиллари ҳамда бошловчиларни жалб этган ҳолда юқори савияда ташкиллаштирилди.

«Республика танлови»



“Мақом йўлларидаги энг яхши асар”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбек миллий мақом санъати маркази бастакорлар ўртасида «Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 22-23 ноябрь кунлари «Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар» Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда ижод қилаётган бастакорлар ўз асарлари билан иштирок этишди. Танлов мақом йўлларида изланаётган бастакорлар, мақом санъати ижодкорлари томонидан янги асарларни яратиш, мақом ижрочилари учун кенг имкониятлар эшигини очиш, ушбу санъат турини янада оммалаштириш ва тарғиб этиш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда талабалар, ёш бастакорлар ҳам қатнашишди. Танловга Ўзбекистон халқ артисти Абдухўшим Исмоилов, Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон Тожибоев, Эркин Рўзमतов каби ўзбек миллий мақом санъатида ўз ўрнига эга вакиллар ҳайъат аъзолари сифатида таклиф этилиб, улар иштирокчиларни ҳолисона баҳолашди.

Натижалар 17 декабрь кунни Муқимий номидаги Ўзбек давлат драма театрида тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинади.

Н.Ҳамдамова, Ўзбек миллий мақом санъати маркази илмий ходими



«Давоми. Боши 1-саҳифада»

Ишончли ҳаёт солномаси

Шу ўринда суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини тайёрлаш йўлидаги бир қанча асосий ҳуқуқий босқичларни эслатиб ўтмоқчиман. Зеро, Конституциянинг яратилиш тарихи — мустақиллик учун курашнинг узвий таркибий қисми. Она тилимиз бўлмиш ўзбек тилига 1989 йилнинг 21 октябрида давлат тили мақоми берилган. Бу муҳим омил конституция яратиш йўлидаги биринчи қонуний қадам бўлди. Давлат конституцияси унинг тилида яратилгани ҳеч биримизга сир эмас.

Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 20 июнь кунини «Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинган. Шу баробарида Декларациянинг 8-бандида Ўзбекистон «Ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини ўзи таъсис

этади» дея мустақамлаб қўйилгани ҳам Конституция яратилишига кенг миқёсда замин ҳозирлади. Бу воқеадан бир йил ўтиб эришган мустақиллигимиз ҳам Олий Қомус тузилишига йўл очди.

Конституциямизнинг илк намунаси 1992 йилнинг 26 сентябрида тайёр бўлди ва матбуотда чоп этилди. Шу кундан ноябрь ойи охирига қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бунда халқимизнинг катта фаоллик кўрсатгани тарихдан аён. Зотан фикримизга Конституция комиссиясига юборилган 600 га яқин хат ҳам далил бўла олади. Бу таклифларнинг барини инobatта олган ҳолда қайта ишланган бош қонунимиз газеталар саҳифасини қайта беади ва фуқаролар эътиборига ҳавола қилинди. Шу тариқа прецедент (икки босқичли умумхалқ



муҳокамаси)га эришилди. Олмос йўнилай йўнилай серкирралашса, пичоқ чарқлашиб ўткирлашади, конституциямиз ҳам қатор тажрибалар, муҳокамалар таҳрирлар билан пишиқ ва пухталашган.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитадиган Қомуснома, ухалқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирган.

Рисолат Махсимова, ЎЗЖОКУ талабаси

«Давоми. Боши 1-саҳифада»



Маданият марказларига алоҳида эътибор

Маданият вазири тадбирни очиб берар экан, соҳадаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, танқидий фикрларини ҳам билдирди.

– Чекка ҳудудларимизда ҳам мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини кенгайтиришимиз, ёшларни кенгрок қамраб олишимиз зарур. Одамларни соҳага кўпроқ қизиқтиришимиз керак, – дейди Бахтиёр Сайфуллаев.

Конференция доирасида таниқли олимлар – академик Тўра Мирзаев, Шо-

мирза Турдимов, профессорлар – Жаббор Эшонқулов, Ҳозали Тошматовларнинг маърузалари тингланди.

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор Жаббор Эшонқуловнинг «Маданият марказларида бахшичилик санъати тўғрисидаги таъкид этишнинг аҳамияти» мавзусидаги маърузаси йиғилганларга манзур бўлди.

– Бахшичилик санъати маданияти-

мизнинг ташриф қоғозига айланмоғи керак, фольклор барча санъатлар асоси ҳисобланади, – дейди профессор. – Ҳар бир ҳудуднинг ўз имкониятидан келиб чиқиб, бахшичиликни ривожлантиришимиз мумкин.

Жаббор Эшонқулов бахшичилик ҳақида гапирар экан, биргина «Алломиш»нинг Фозил йўлдош ўғлидан ёзиб олинган шеърый қисми 13715 мисрадан иборат эканини таъкидлади.


Карим ЗАРИПОВ

«Ўтганларни ёд этиб»



Жиззахда атоқли ижодкорлар хотирланди

28 ноябрь кунини Жиззах шаҳар маданият бўлими ташаббуси билан ҳудуддаги маданият марказида атоқли ижодкор ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллиги ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбергининг 80 йиллигига бағишлаб ижодий учрашув, шунингдек, мусиқий кеча ташкиллаштирилди. Тадбирда Жиззах вилоят ёзувчилар уюшмасининг ижод фонди раҳбари Фурқат



Ражабов, уюшма бош мутахассиси Салим Комилов, шаҳар ҳокими ўринбосари Суян Силлиев, вилоят мусиқали драма театри ходими Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олия Эштўхторовалар қатнашишди. Учрашув доирасида ёшларни театрга қизиқтириш мақсадида «Мен театршуносман» акцияси ҳам ўтказилди. Унда ёш ижодкорлар томонидан шеърлар, куй-қўшиқ ва рақслар ҳамда Жиззах маданият маркази қошида ташкил этилган «Қувонч» болалар тўғараги аъзоси Хусния Адҳамова томонидан қисқача сахна кўриниши намойиш этилди. Тадбир сўнггида фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди.

Дўстона алоқалар
Россия делегациясининг Наманганга ташрифи якунланди



23 – 26 ноябрь кунлари Наманган вилоятига Россия Федерацияси Свердловск вилояти губернатори Евгений Куйвашев бошчилигида бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюрди. Делегация билан бирга келган Урал давлат академик рус халқ хори 26 ноябрь куни Тўрақўрғон туман Маданият маркази залида катта концерт дастурини намойиш этди.

76 йиллик тарихга эга ушбу жамоа Россиянинг энг таниқли музикий гуруҳларидан бири ҳисобланади. Лондон, Париж, Москва каби дунёнинг кўплаб йирик шаҳарларида концерт дастурлари билан иштирок этган Урал давлат академик рус халқ хори ижросидаги анъанавий рус халқ куй-қўшиқлари Наманган вилояти санъат-сеवारлирига ажойиб тухфа бўлди.

Тадбирдан сўнг меҳмон иштирокчиларга вилоят маданият бошқармаси бошлиғи С.Нурматова томонидан эсдалик совгалари топширилди. Келгусида вилоят маданият бошқармаси тасарруфидоги маданият ва санъат муассасалари қошидаги бадиий жамоаларнинг Свердловск вилоятига ташрифи бўйича Маданият вазири Светлана Учайкина билан келишиб олинди.

Мозийга назар

Самоварнинг ватани қаер?



Ҳозирда деярли унутилаётган бу матоҳ ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизга дарров бобо-бувиларимиз хонадонларида сув қайнатишда фойдаланган маиший буюм келади. Уларни кўпроқ руслар ишлатгани учун ватани Россия бўлса керак деб ўйлайдиганлар талайгина. Аслида-чи?

Бугун шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтамиз. Маълумки, Буюк Ипак йўли эраимиздан аввалги II-I асрларда пайдо бўлган. Ўрта Осиёлик савдогарлар бу йўл орқали хариддоригр буюму маҳсулотларни, шунингдек, узок муддат сақлаш мумкин бўлган чойни ўз юртларига келтириб, унинг ўлкамизда тарқалишига катта ҳисса қўшишган. Чунки чой чарчоқни ёзувчи, қувват бағишловчи ҳамда айрим касалликларнинг олдини олиб, даволаш хусусиятига эга тансиқ маҳсулотлар қаторида бўлган. Чойни тайёрлаш учун қулай восита ҳисобланган самоварга эса қадимги Рим ва Хитойда асос солинган. Уларнинг катта ҳажмли металдан ясалган идиши ўртасида ўт ёқиш мосламаси борлиги ҳозирги кўринишдаги самоварга ўхшаш бўлган.

XVIII аср бошларида Россия шаҳарларига самоварнинг кириб келиши асосан чой ва чойхўрлик анъаналари билан боғлиқ эди.

Россияда самоварларнинг асосий қисми Тула шаҳрида ишлаб чиқарилган. Аҳоли эҳтиёжи кўпайиши туфайли биринчи самовар фабрикаси 1778 йил Назар Лисицин томонидан барпо этилган. Самовар тайёрлашда мис, қумуш, бронза, никель каби металллар қоришмаларидан фойдаланилган.

Ўрта Осиёда эса маҳаллий мисгар хунаранмандлар Россиядан келтирилган самоварлар андозасига қараб, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган.

Улар орасида энг кенг тарқалгани самовар-қумгон эди. 1826 йилга келиб Тулада самовар фабрикалари сони 8 тани ташкил этган бўлса, 1896 йилга келиб 70 тага етди.

XIX аср охирига келиб фабрикалар орасида Батасков самоварлари жуда танилган, лойиҳалари кўплаб мукофотларга лойиқ кўрилган. Кўرғазмаларда сифатли маҳсулотлари учун кўлга киритган медаллари кейинчалик самоварларга муҳр сифатида қўйилган.

Аста-секин самовар ишлаб чиқариш қўшни мамлакатларда ҳам кенг тарқала бошлаган. Уларнинг шакли ва кўриниши турлича бўлишига қарамай ишлаш услуби сақлаб қолинган.

Бундай тарихий самоварлар Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг хазина бўлимида ҳам сақланмоқда. Самоварлар турли даврларга оид бўлиб, улар орасида ўтин ва кўмирдан ташқари суюк ёқилда ишлайдиган турлари ҳам бор. Ҳозирги кунда кенг тарқалган электр билан ишловчи самоварлар эса қадимги ажодлари ишини давом эттириб келмоқда.

Муқаддам Усмонова,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи матбуот котиби

САЙЛОВ – 2019



Маҳалладошлар келажак учун овоз беради

Яқинлашиб келаятган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов санаси – 22 декабрь куни ҳам борган сари яқинлашиб келмоқда. Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри марказидаги тарих музейи биносида жойлашган 627-сайлов участкасида ҳам сайловга тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда. Шаҳардаги “Ўрда тағи” МФИда яшовчи сайловчиларнинг барчаси ва “Маориф” МФИда яшовчи сайловчиларнинг бир қисмини қамраб олган ҳудудда истиқомат қилувчи 2410 та сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиб, шу бўйича яна бир бор хатлов ишлари олиб борилмоқда. Музей биносида депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Ғ.Алижонов, Марғилон шаҳар тарихи музейи мудир

Ифтихор



«Ёш китобхон» танлови ғолиби муносиб кутиб олинди

Нукус шаҳри ёшлари 28 ноябрь куни «Ёш китобхон» танловининг Ўзбекистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллаган Тўртқўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли 12-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф

ўқувчиси Шаҳзода Каримбоевани совғаси – «SPARK» автомашинаси Нукус шаҳрига етиб келгач, шаҳар Ёшлар маркази олдидики кўтаринки рўхда кутиб олишди. Шунингдек, ёш эстрада хонандаларининг концерт дастури ҳам намойиш этилди.

Концертда Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими эстрада хонандаларидан Урхия Алланиязова, Қуаниш Муратов, Руслан Юсупов, Наурыз Тлеуов, Қуўат Аметов, Арисланбек Асқаровлар иштирок этди.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар кун



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

Кўқон мурувват ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернет уйида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз” деб номланди. Ушбу кечада Кўқон шаҳар маданият бўлими ходимларидан Баҳромжон Усмонов, Қаюмжон Худойбердиев, Наримонжон Эрматов, Фурқат маданият маркази тўғарак аъзоси Аббосхон Шарипов, Интернет уйи маънавий-маърифий ишлар бўйича ташкилотчи мутахассис Абдулҳаким Мамажонов ва бошқалар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, сахна кўринишларидан парчалар намойиши билан тадбир иштирокчиларини хушнуд этдилар. Шу кунги тадбирда шоир, драматург Аъзам Назирий ҳам қатнашиб, ўз ижод намуналаридан ўқи берди. Тадбир сўнггида муассаса раҳбари Иномжон Қорабоев сўз олиб, кечанинг қизиқарли ва мазмунли ўтказилишига ҳисса қўшган маданият ходимлари ва ҳомийларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Н.Усмонов, Кўқон шаҳар маданият бўлими “Ўрда” маданият маркази филиал мудир

Маданий мерос

“Манас” энди ўзбек тилида



29 ноябрь куни Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Камола Акилова Туркской Халқаро ташкилоти Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Дастур асосида қирғиз халқининг дунёга танилган “Манас” эпосининг ўзбек тилига таржима қилинган китоби тақдироти бўлиб ўтди. “Манас” энг катта қирғиз достонидир. У қирғизларни бирлаштирган қаҳрамон Манас ҳақида. Мазкур асар ЮНЕСКО томонидан ин-

сониятнинг номоддий маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Дунёдаги энг катта достон сифатида эса Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олган. “Манас” жуда кўп тилларга таржима қилинган, эндиликда эса ўзбек тилида ҳам нашр этилмоқда.

Барчаси болалар учун

224 млн. сўмлик миллий мусиқа асбоблари



Президент Ш.М.Мирзиёев раислигидаги 2019 йил 19 мартда бўлиб ўтган видеоселектор мажлисида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Жиззах вилоят мусиқали драма театрида бешта муҳим ташаббус доирасида вилоят ҳокими ўринбосари Б.Тўхтамишев ҳамда вилоят маданият бошқармаси бошлиғи К.Фарҳодовлар томонидан шаҳар, туман маданият марказлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига жами 224 млн. сўмлик миллий мусиқа чолғу асбоблари тантанали топширилди.

Тадбир давомида давлат раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят маданият бошқармаси томонидан ташкил этилган «Бадий ҳаваскорлик жамоаларининг вилоят кўриктанлови»да голиб деб топилган Фориш тумани маданият бўлими жамоаси олий ўрин ва 10 млн. сўмлик, Галлаорол туман маданият бўлими жамоаси 1-ўрин ва 8 млн. сўмлик, Дўстлик тумани маданият бўлими жамоаси 2-ўрин ва 7 млн. сўмлик, Жиззах шаҳар ҳамда Арнасой тумани маданият бўлими жамоалари 3-ўрин ва 10 млн. сўмлик миллий мусиқа чолғу асбоблари билан тақдирланишди. Кеча давомида Ўзбекистон давлат филармонияси Жиззах вилоят бўлинининг ижодий ходимлари томонидан концерт дастурлари ҳам намойиш этилди. Тадбирда 800 нафардан ортиқ маданият ва халқ таълими ходимлари ҳамда ёшлар қатнашди.



Йўл харитаси

Ёшларга маданият ва санъат эшикларини очайлик



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшлар савиясини ҳар томонлама юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятимизнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкиллаштириш мақсадида келажақ авлодни маданият ва санъат муассасаларига ҳамда умумтаълим мактабларида ташкил этиладиган тўғарақлар, бошқа маданий тадбирларга жалб этиш бўйича “йўл харитаси” тузилди. Шу муносабат билан маданият ва санъат йўналишидаги тўғарақлар ташкил этиладиган маданият марказлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари рўйхати, маданият ва санъат йўналишидаги тўғарақлар ташкил этиладиган умумтаълим мактаблари жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман ва шаҳарлари рўйхати, маданият ва санъат муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида тўғарақларни мазмунли ташкил этиш мақсадида мусиқа-чолғу асбоблари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган муассасалар рўйхати тасдиқланди.

Шунингдек, “Ўзбекистон халқ артисти”, “Ўзбекистон халқ рассоми” каби бир қатор фахрий унвонларга эга санъаткорлар, ижодкорлар ҳамда маданият ходимлари, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари ҳокимликларга маданият ва санъат масалалари бўйича ижодий маслаҳатчи сифатида жамоатчилик асосида бириктирилди.

Мазкур ижодий маслаҳатчиларнинг асосий вазифаси тегишли ҳудуддаги ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб этиш юзасидан ҳокимликларга методик, ижодий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беришдан иборат.

Бундан ташқари, қарорга кўра 2019 йил якунига қадар ҳар бир туман ва шаҳар марказий маданият марказида жамоатчилик шаклида биттадан театр жамоаси, вокал чолғу ансамбли, ашула ва рақс ансамбли ҳамда намунавий болалар ансамбли ташкил этилади.

Ижодкор ёшлар билан ишлаш ва оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш бошқармаси



Ҳисобот концерт

Бухоро тароналари



21 ноябрь куни Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлини томонидан “Бухоро тароналари” мавзусида ҳисобот концерти ўтказилди. Дастурда “Бухорча”, “Бухоро гўзаллари”, “Бухоро мавжлари” ашула ва рақс ансамбллари, “Мавриги” фольклор жамоаси, “Камерали симфоник оркестри” гуруҳи ҳамда хушовоз хонандалар иштирок этиб, шўх куй-қўшиқ ва рақслари билан “Туркистон” санъат саройига ташриф буюрган томошабинларга байрамона кайфият улашишди.

Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлини 1979 йил ташкил топган. 1996 йилда “Ўзбекнаво” гастроль концерт бирлашмаси га айлантирилган. 2001 йилга келиб эса “Академик ва халқ бадий жамоалари” сифатида фаолият юритган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлини қайта ташкил этилди.



Ҳозирги кунда мазкур бўлини Бухорога хорижий делегациялар, сайёҳлар ташрифи чоғида, шунингдек, давлат аҳамиятига эга маросимларда ўзбек санъати ва маданиятини кенг тарғиб этиб, турли концерт дастурлари билан хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бўлини қўшидаги ансамбллар ижодий фаолияти давомида нафақат мамлакатимиз, балки Америка, Канада, Франция, Голландия, Германия, Малайзия, Қатар, Оман, Бельгия, Таиланд, Вьетнам, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия сингари хорижий мамлакатларда ҳам ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек санъатини тарғиб этишда, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда муносиб ўрин тутмоқда.

Санъат ва маданиятнинг бир қатор йўналишларида фаол ва фидокорона фаолият олиб бораётган “Бухоро мавжлари” ансамбли “Йилнинг энг фаол фольклор жамоаси”, “Эҳтиром – 2018” мукофоти, шунингдек, Туркиянинг Ялова шаҳрида ўтказилган фестивалда Гран-при соҳиби бўлган.

Семинар

“Кутубхоналарда каталог ва картотекалар билан ишлаш”



26 ноябрь куни Хоразм вилоят Хонқа туман Кўзи ожизлар кутубхонаси биносидан “Кутубхоналарда каталог ва картотекалар билан ишлаш” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Уни Вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори З.Собиров очиб берди. Семинарда барча туман тармоқ кўзи ожизлар кутубхоналари ходимлари қатнашди. Туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудир О.Сапаев муассасанинг иш фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Кутубхонанинг “Методика-библиография” бўлими етакчи мутахассиси Ф.Қурбонбоева “Кутубхоналарда каталог ва картотекалар билан ишлаш”, Китоблар билан тўлдириш ва адабиётларга ишлов бериш бўлими мудираси Х.Ҳасанова “Каталог картотечаларининг ёзилиш тартиби” ҳақида маълумот берди. Шунингдек, Китобларни сақлаш бўлими етакчи мутахассиси З.Сапаева “Китобларни сақлаш бўлимида иш жараёнлари ва ҳужжатларини юритиш” мавзусида маъруза қилди. Семинар якунида каталог картотечаларнинг ёзилиш тартиби бўйича маҳорат дарси ўтказилди.

Ф.Саидназарова,
Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси услубчиси

Хуқуқий таълим

Зўравонликка қарши курашиш



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Баситханова томонидан 2019 йил 12 ноябрь куни тасдиқланган БМТ Бош ассамблеяси томонидан эълон қилинган “25 ноябрь – Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро кўни” муносабати билан ҳудудларда “Биз зўравонликка қаршимиз” шонир остида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида талаба-ёшлар билан семинар ташкил этилди. 29 ноябрь куни таълим муассасасига институт Хотин-қизлар кўмитаси раиси Матлуба Исоқова бошчилигида Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Ички ишлар органлари ходимлари таъриф буюришди.


Учрашувни институтнинг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат ишлар бўлими бошлиғи Сайфулла Икромов очиб берди. Талаба-ёшлар оғоҳликка даъват этилди. Шундан сўнг Мирзо Улугбек туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 4-сонли ИИБ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор, подполковник Зухра Алиева ҳамда Мирзо Улугбек туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш 9-сонли ИИБ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси катта инспектори, подполковник Феруза Жуманазарова сўзга чиқиб, зўравонлик, таъзия ҳолатларини атрофлича тушунириб ўтишти.

Тадбир давомида “Саҳна ва экран санъати драматургияси”нинг 1-босқич талабалари ижросида саҳна кўриниши тақдим этилди. Шунингдек, қизгин суҳбатлар ва мунозаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Матбуот хизмати

Ижод шукухи

Ария оҳанглари жилоси



25 ноябрь куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда “Ария оҳанглари жилоси” номли концерт-лекторий ўтказди. Унда институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев бугунги мусиқа санъатига бўлган эътибор, истеъдодли ёшлар маҳоратини шакллантириш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида сўзлади.


Анжумани педагогика фанлари номзоди, доцент Севар Маликова ҳамда докторант Нилуфар Пардаевалар олиб боришди.

Концертда ҳар икки олий таълим муассасасининг истеъдодли талабалари қатнашди. Фурқат Раҳимов ижросида “Зайнаб ва Омон” мусиқали драмасидан “Ахтарар кўзим”, “На малакман, на фаришта” асаридан Машраб, Сетора Умарова ижросида “Фариштали аёл” асаридан Назокат ариялари, Сетора Умарова билан Дониёр Ҳабибуллаевнинг Ҳамза асари асосида “Ҳолисон” дуэти, Шоҳида Нурматова ижросида “Майсаранинг иши” мусиқали драмасидан Ойхон, Суҳроб Жумаев ижросида “Лайли ва Мажнун” операсидан Навфал, Хонзода Фазлиддинова томонидан Собир Абдулла қаламига мансуб “Тоҳир ва Зухра” мусиқали драмасидан Зухра, Шоҳида Нурметованинг “Жанна скики” операсидан Лауретто, Бобур Камолитдинов ижросида “Майсаранинг иши” операсидан Қозий арияси бетакрор қуйланди.

Мазкур тадбир икки олий таълим муассасалари ўртасидаги ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлаб, жонли арияларнинг сехри шукухи, мўъжизакор жаранги кўнгилларни хушуд этди. Бу каби тадбирлар ёшларнинг ижодий ўсишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Матбуот хизмати

Долзарб мавзу



Миллий меросни асраш – давлат сиёсати даражасидаги масала

Тарихан ҳар бир халқ ёки миллат ўзининг минг йиллик анъана, урф-одат, маросимлари билан бошқа миллатлардан ажралиб турган. Бунга яна бир қатор маънавий тушунчаларни ҳам келтириб ўтиш мумкин. Аммо оддий халқ ишонидангина ва унга ривоз этилган шундай маънавий, диний тадбир маросимлар борки, буни бошқа халқларда айнан кузатиш қийин. Шу боис ҳар бир халқнинг ўзига хос намоён этиб турадиган бу каби мерослар қадимдан халқ оғзаки ижоди намуналари, фольклор таркибида бўлган. Такрорланмас бундай анъаналар маданиятлараро туризм туманини кўрсатиб, уларни бир-бирдан камситмаган ҳолда ажратиб келган. Дунё суръатининг жадаллашуви барча жаҳонларда, жумладан, моддий ва маънавий соҳада ҳам қатор ўзгаришларга олиб келди. Натижада ривожланган жаҳонлар ўз имкониятларини намоён эта бошлашди.



Мустақиллик шарофати билан номодий маданий меросимиз ҳам қайта тикланди. Мазкур атама кейинроқ пайдо бўлса-да, унинг моҳиятида, туб илдижда халқимизнинг қадимий фольклор ҳамда миллий хунармандчиликка оид билим ва кўникмалари, одат, маросим, байрамлар, шунингдек, ижро санъати намуналари ётади. Бу тушунчанинг соҳага айланиб, бугун дунё бўйлаб эътибор этилаётгани – глобаллашув жараёни билан боғлиқ. Дунё миқёсида маданиятлар умумлашуви – оломон маданияти ҳавф солиб турган бир пайтда ҳар бир халқнинг урф-одатлари, маросим ва удуллари ҳақида сўз юритиши бугуннинг долзарб масаласи бўлиб турибди. Буни ҳис этган халқлар ҳозирда ўз миллий меросини сақлаб қолиш, уни муҳофаза қилиш ва келажак авлодга етказиш борасида кенг кўламли кураш олиб бормоқда. Хусусан, ЮНЕСКО 1990 йиллардаёқ Инсоният номодий маданий меросини муҳофазалаш тақлифи билан чикди. Мазкур ташкилот шу бугунгача моддий меросни муҳофаза қилиш бо-

расида конвенция ва концепциялар ишлаб чиқиб, номоддий мерос бўйича кўтарган тақлифлари бу соҳадаги илк қадамлардан бўлди. 2001 йил ЮНЕСКО номодий маданий мерос таърифини келишилган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадида аъзо давлатлар ва нодавлат ташкилотлар ўртасида сўров ўтказди. Махсус бир таърифга келишилгач, 2003 йил 17 октябрь куни Париж шаҳрида Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича Конвенция қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати ҳам 2008 йили ушбу Конвенцияни ратификация қилиб, унга аъзо бўлди. Шу муносабат билан номоддий маданий мерос масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарорига мувофиқ 2010 – 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб этиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурининг қабул қилиниши ўзига хос тарихий вотега айланди. Ушбу дастурни ижро этишига республикамизнинг 38 та ташкилот ва муассасалари бириктирилди. Ҳозирги кунда Республика маданий муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказига давлат ва нодавлат ташкилотларнинг номоддий маданий мерос масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи муассаса мақоми берилди.

Бунинг туб моҳиятини англаш учун моддий ва номоддий маданий меросларнинг ўзаро фарқини билиб олиш мақсадга мувофиқ. Давлатимизнинг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланганидек, “Моддий-маданий мерос – тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлардир”.

Номоддий маданий мерос эса тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунинг-



дек, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлардан ташкил топган.

ЮНЕСКО Конвенциясининг 2-моддасида номоддий маданий меросга қуйидагича таъриф берилган: “Номоддий маданий мерос” ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва баъзи ҳолларда алоҳида шахслар томонидан ўз маданий меросларининг бир қисми сифатида тан олинган одатлар, тақдим ва ифода шакллари, билимлар ва кўникмалар, шунингдек, улар билан боғлиқ асбоб-ускуналар, предметлар, артефактлар ва маданий муҳитни билдиради.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан маданият ва санъат соҳасига жуда катта эътибор қаратилиб, ўзига хос рамҳўрлик кўрсатилаётган. Шунингдек, соҳага доир кўплаб қарор ва фармонлар имзоланиб, соҳа ривож учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Эндилликда биздан фақат сидқидилдан ишлаш, маданий меросларимизни тарғиб этиш ва уни келажак авлодларга етказиш каби вазифаларни бажариш талаб этиляпти холос. Шундай экан, соҳанинг барча фидойилари ва ёшларимизни ушбу хайрли ишда камарбаста бўлишликка ундаб қолашим.

Диёрбек Чинпўлатов,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Давлат бошқарув академияси
тингловчиси

Томошабин олқиши

Сиз соғинган наволар




Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февраль «Ўзбекистон давлат филармониясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлар дастури»нинг 8-банди ижросини таъминлаш, яъни Ўзбекистон давлат филармонияси худудий бўлинмалари санъат саройларида, маданият марказларида, амфитеатрларда ва бошқа томоша залларида концерт дастурлари ҳамда ижодий томошаларни

ташкил этиш мақсадида 20 ноябрь куни Андижон шаҳридаги «Ешлар» марказида Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими Андижон вилоят кенгаши, шунингдек, шаҳар, туман бўлимлари ходимларига Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлиминининг «Сиз соғинган наволар» деб номланган концерт дастури намойиш этилди. Мазкур концертда хонандалар Хусниддин Маҳмудов,

Аъзамжон Султонов, Аброрбек Жамолдинов, Наргиза Йўлдошева, Нилуфар Каримова, Муҳайёхон Тожимамадова, Хамидулло Йўлдошевлар ҳамда сондаю раққослар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар 400 дан зиёд томошабинларни хушнуд этиб, олқишларга сазовор бўлди.

Муроджон Ҳакимов,
Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлини маси директори

Энг фаол китобхон



Танловнинг республика босқичи нима бўлди?



давлат мусикали драма театри актёри Жасур Ҳазраткулов олиб борди.

Кечани Республика марказий кўзи оғизлар кутубхонаси директори Раҳим Убайдуллаев очиб, иштирокчиларга омад тилади.

Кўрик-танлов низомига кўра, унда Брайл ёзувини ўзлаштирган, кўриш бўйича ногиронлиги бор 16 дан 35 ёшга бўлган ва энг кўп китоб ўқиган вилоят маданият бошқармасидан 13 нафари иштирок этди.

Қатнашчиларни одилона баҳолаб бориш учун ҳакамлар ҳайъати раиси – Республика марказий кўзи оғизлар кутубхонаси директор ўринбосари Гулчехра Султонметова, ҳайъат аъзолари: Жиззах вилоят маданият бошқармасининг маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўлим бошлиғи Рухшид Инамов, Шароф Рашидов номидаги ахборот-кутубхона маркази илмий услубият бўлими мудири Нилуфар Жабборова, Ўзбекистон Кўзи оғизлар жамияти Жиззах вилоят бўлими бошқаруви раиси Исмаилов Раҳимов ва Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабининг Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши кафедре мудири Фотима Турсуновалар жалб этилди.

Иштирокчилар 3 шарт, яъни таништирув, ўқиган асарлари асосида тезкор савол-жавоб ва моҳир кўлар бўйича беллашишди.

Биринчи шартда ҳар бир иштирокчи 5 дақиқа давомида, ўқиган китоблари, қизиқишлари ҳақида маълумот берди. Ҳайъат аъзолари 5 баллик тизимда баҳолаб боришди. Иккинчи савол-жавоб шартида ҳам ҳар бир иштирокчига 5 дақиқа вақт ажратилди. Ҳар бир тўғри жавобга 1 балдан берилди. Учинчи шартда қатнашчилар стол устидаги совға кутиларини гул қорозда ўз кўллари билан мустақил ўрашди. Бу шартга ҳам 5 дақиқа вақт берилди ва 5 баллик тизимда баҳоланди.

Ўзаро беллашувда тиришқоқлиги, зукколиги ва иқтидори билан 1-ўринга Жиззах вилоят кўзи оғизлар кутубхонасининг энг фаол китобхони Фарида Ҳамидова, 2-ўринга Хоразм вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси китобхони Хилола Йўлдошева, 3-ўринга Бухоро вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси китобхони Ўғилжон Бешимовалар муносиб кўрилди.

Ғолибларни Республика марказий кўзи оғизлар кутубхонаси директори Раҳим Убайдуллаев, Жиззах вилоят Кўзи оғизлар жамияти раиси Исмаилов Раҳимов ва вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси директори Умид Ибрагимовлар фахрий ёрлик, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашди.

Ҳ.Исмаилов,
Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири

Премьера



“Йўқолган юрак”

Самарқанд вилоят мусикали драма театрида драматург Хайитмат Расул қаламига мансуб, режиссёр Искандар Султонов томонидан саҳналаштирилган “Йўқолган юрак” асарини намойиш этилди.

“Йўқолган юрак” – халқимиз маънавий мулкига айланган мақом санъати ва икки давлат санъаткорларининг дўстлиги ҳақидаги асар. Унинг саҳна кўринишидаги муваффақияти ҳам, камчилиги ҳам томошабин назаридан четда қолмайди. Мазкур асар Шарқ халқларининг бетақор санъати са-

налган мақомларни ўрганиш, азалий анъаналарни тиклаш, замон руҳи билан суғорилган ижроларни шакллантириш ва бутун дунёга тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этиб, халқлар ўртасида ижодий ҳамкорлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлайди.

Асарда ижро этилган кўшиқларнинг Озарбайжоннинг муром ҳамда ўзбекнинг мақом йўналишига ҳаммадан бастананишида композитор Ҳабибулло Раҳимовнинг ҳиссаси салмоқли.

Саҳна қаҳрамонлари озарбайжонлик мақом хонандаси Рашид Гунаш, ўзбекистонлик мақомчи

Қамар образларини истеъдодли ёшлар Хуршид Баратов ва Маъмура Туробовалар, Солиҳа ва Ободон ролларини тажрибали ижодкорлар Гулистон Жабборова ва Анзират Умаровалар маҳорат билан ижро этишди. Яна спектаклда театрнинг хор, оркестр ва рақс жамоалари ҳам қатнашишди.

Асарни саҳналаштиришда режиссёр ва актёрлар жамоасининг бу масъулиятни тўлиқ ҳис этигани спектакль давомида яққол сезилди.

Шоҳруҳ Шаханов,
Адабий бўлим мудири

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2020 йил 9 январь куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибдаги очик аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, «S» мавзесида жойлашган «ГЕОИНФОКОМ» ДУК балансидаги 2005 й. и/ч, д/р 01/820WDA, бошлангич нархи 21 505 631 сўм бўлган «ГБА СИП НЕКСИЯДОНС» русумли автотранспорт воситаси кўйилади.

Талабгорлардан буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоиз миқдоридида закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситаси юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, у бўйича такрорий аукцион савдолари, у сотилгунга қадар наватдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситасига қизиқиш билдирган талабгорлар, унинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва кўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 28 ноябрь куни ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига кўра, А.П.Хлебешкина номидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи балансидаги д/р 01/582ССА бўлган «ДА-МАС» – 16 300 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Концерт дастури

Юксак орзулар сари



Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси топириги ижроси доирасида халқ таълими ҳамда мактабгача таълим тизимида сифатни яхшилаш, ёшларнинг санъат ва адабиётга қизиқишини ошириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида 28 ноябрь куни Урганч туманидаги 25-мактабгача таълим муассасасида ма-

даний тадбир бўлиб ўтди. Унда 18-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ҳам қатнашишди. Мактабнинг истеъдодли, интилувчан, ташаббускор ўқувчилари томонидан намойиш этилган концерт дастури қалби иштиёққа тўла болажонларнинг юксак орзуларига эришишида озми-кўпми ҳисса қўшган бўлса ажаб эмас.

Беш ташаббус амалда

Устоз сабоқлари



Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг биринчисида ёшларни мусика, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқтириб, истеъдодини юзага чиқариш кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлат филармонияси Қашқадарё вилоят бўлинимаси маданият бошқармаси тасарруфидаги барча болалар мусика ва санъат матабларида "Устоз сабоқлари" мавзусида очик дарслар ҳамда концерт дастурлари ўтказишни белгилаб олди.

Шу муносабат билан 26 ноябрь куни Қарши шаҳар 1-БМСМда "Наволар сеҳри" деб номланган концерт бўлиб ўтди.

Соғ танда – соғлом ақл

Спорт фестивали



29 ноябрь куни юртбошимизнинг бешта муҳим ташаббуси ижроси доирасида Каттақўрғон шаҳар касабая уюшмаси ҳамда спорт бўлими ташаббуси билан спортнинг 5 тури бўйича маданият бўлими, драма театри, 5-маҳсус интернат ва 2-БМСМ ўртасида спорт мусобақаси фестивали бўлиб ўтди. Унда умумий ҳисобда 2-БМСМ жамоаси 1-ўринни қўлга кириб, қимматбахо совғалар билан тақдирланишди.

Биз ОИТСга қаршимиз

Дард занжири



27 ноябрь куни Наманган вилояти мусикали драма театрида 1 декабрь «Халқаро ОИТС га қарши кураш» кунини муносабати билан Вилоят ОИТС га қарши курашиш маркази ҳамда Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорликда «Биз ОИТС га қаршимиз» шиори остида семинар ўтказди. Тадбирда Учқўрғон туман маданият маркази қошида ташкил этилган «Истеъдод» театр жамоасининг ижодий ходимлари томонидан «Дард занжири» деб номланган спектакль намойиш этилди. Мазкур асар орқали томошабинлар ОИТСнинг хатарли дард экани, ундан ҳар бир инсон огоҳ бўлиши кераклигини англаб етишди.

Тарихга назар



Кимларни "Тавочи" ёки "Жарчи" деб аташган?

XIII-XIV асрларда ёзилган кўлёмза асарларда ўша замонларда амалда бўлган ҳарбий ва маъмурий мансаб ҳамда лавозимга оид кўпгина атамаларни учратамиз. Ана шундай атамалар сирасига кирган "Тавочи" ва "Жарчи" сўзлари ҳақида А.Ю.Якубовский, А.А.Семёнов, М.А.Абдураимов каби тарихчи олимларнинг фикрлари бор. Масалан, А.Ю.Якубовский Шарофиддин али Яздий, Низомиддин Шомий ва Абдураззоқ Самарқандий асарларига таяниб, "Тавочи" аталмиш мансаб эгаси ҳақида шундай ёзган: "Тавочилар махсус топшириқларни бажарувчи ҳарбий мансабдорлар, ўзига хос адъютантлар бўлиб, Темур ёки бошқа олий ҳарбий бошлиққа (қўмондонга) жанг пайтида у ёки бу бўлимининг умумий аҳволини маълум қилиб турганлар ёки туман, минг ва қўшин бошлиқларига унинг фармойишини етказиб турганлар. Тавочилар, айниқса, лашкар тўплаш вақтида алоҳида рол ўйнаганлар. Ўша чоғда Темурларга фаёқлолдорда ҳуқуқлар берган ва улардан маълум миқдорда лашкар тўплаб келиш тўғрисидаги буйруқларни аниқ ва кўрсатилган муддатда бажаришни талаб қилган. Тавочиларга ҳатто ҳарбий юриш вақтида ов уюштириш ҳам топширилган. Айрим ҳолларда тавочиларнинг ёнида ўрнаштириш ёки галаба билан тамомлланган жангдан кейин ўлжа тақсимотида фаол иштирок этганиликларини ҳам кўраемиз".

Тавочи ва унинг маъноси ҳамда вазифалари ҳақида айтилган бу фикр илмий адабиётда мустаҳкам ўрин олди ва олимлар тавочи ҳақида гап борганда шу фикрга таяниб келганлар. Масалан, ушбу сатрлар муаллифи ўзининг Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдуллонома" асарига ёзган изоҳида ва Асомиддин Ўринбоев Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ асадаъйн ва мажамъ ал-бахрайн" асарига ёзган изоҳли лугатига А.Ю.Якубовскийнинг юқорида айтган фикрига тўла таянганлар.

"Жарчи" тўғрисидаги (М.А.Абдурахмонов) айтилган фикрлар эса асосан Бухоро амири Шохмурод (1785-1800) замонида ёзилган бир рисолага, Муҳаммад Бадеъ девонининг "Мажмаъ ул-арқом" (Рақамлар мажмуаси) асарига ва эски лугатлардаги талқинларга (жарчи - олий ёки маҳаллий ҳукмдорнинг фармойишларини халқ орасида ёзлон қилувчи) асосланган.

Лекин кўлёмза асарларни синчиклаб ўрганиш "тавочи ва жарчи" мансаби ҳақида,

айниқса "Тавочи" ҳақида айтилган фикрларнинг тўла ва қатий эмаслигини кўрсатди. Чунончи, Л.З.Будагов тавочининг Чингизхон ва муғул хонлари замонида қўшинга одам чақириш, унинг умумий аҳволини тафтиш қилиб туриш, шунингдек жиноятчиларни жазолаш, улар устидан назорат қилувчи мансабдор эканлигини айтган. Лекин бу фикрнинг манбаини кўрсатмаган. Бу ҳақда муғуллар замонида ёзилган манбаларда, хусусан Жувайний (1226-1283) ва Рашидиддиннинг (1247-1318) маълум ва машҳур асарларида ҳам маълумот учратмадик. Шарофиддин али Яздий "Муқаддима-йи зақарнома" асарига тавочи лавозими Чингизхон замонида ҳам бўлганлиги ва унга қўшин тўплаш ва унинг аҳволини назорат қилиб туриш вазифаси юклатилганлигини қайд қилиб ўтган.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тавочининг вазифалари бирмунча кенгайди. Унинг вазифалари ҳақида сўзлашдан аввал шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, XIV-XVIII аср манбаларида тавочи ва жарчи атамалари бирга, ёнма-ён келади. Манбаларда келтирилган маълумотлардан шу нарса англашлалдики, тавочи ва жарчилар ҳарбий юриш олдидан олий ҳукмдор томонидан вилоят ва туманларга бирга юборилган. Бу вақтда жарчи етарли озиқ-овқат, от ва қурол билан хон хузурига тўпланиш ҳақидаги буйруқни халқ ўртасида ёзлон қилган; тавочи зиммасига эса аскарликка юбориладиган кишиларни тўплаш, уларнинг озиқ-овқат, от-улов ва қурол-аслаҳаларини кўздан кечириш, сўнгра уларни хон тайин қилган жойга ўз вақтида етказиб келиш вазифаси юклатилган. Жарчи, бундан ташқари, хон ёки маҳаллий ҳукмдорнинг турли фармойишларини халқ ўртасида ёзлон қилиб туриш вазифасини ҳам бажариб турган.

Манбаларда келтирилишича, аксарият жуда кўп маълумотларда тавочилар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилганлиги таъкидланган.

Тобе вилоятлардан кўрсатилган миқдорда лашкар тўплаб келиш. Масалан, "Аскар тўплаш учун теварак — атрофга тавочи ва жарчилар юборган эдилар". Вилоят ва туманларда турган амиру мансабдорларни ҳарбий юриш бошланишидан хабардор қилиш ва уларни ўз қисмлари билан белгиланган жойга олиб ке-

лиш. Юриш олдидан қўшинларни кўриққа ҳозирлаш. Душман қароргоҳи ёки жойлашган қалъасига яқинлашгандан кейин қўшинларни жой-жойга тақсим қилиб ўринлаштириш ва жанг олдидан уларнинг ўринларини белгилаш, қўшинларнинг душман қароргоҳига яқин жойлаштирилганларидан сўнг кечалари амирларни жангавор ҳозирлик билан ҳушёр туриши ва доимо ўз қисми ҳузурида бўлишини огоҳлантиришдан иборат бўлган.

Шунингдек, ҳарбий юришлар вақтида йўлда дам олиш чоғларида, одатда катта овлар ўтказилиб турилган. Овлар қўшинларнинг озиқ-овқат захираларини тўлдириб билан бир қаторда, тактик машғулот вазифасини ҳам ўтаган. Овни қаердан ва қандай бошлаш, унда қайси қўшин қаерда жойлашиши ва унинг аниқ вазифаларини ҳам олий ҳукмдорнинг амри билан тавочилар белгилашган.

Галабадан сўнг давлат маркази ва хон белгилаган шаҳар ва вилоятларга фатҳномалар олиб бориш ҳам тавочи ва жарчиларга топширилган. Қўшин ҳарбий юриш вақтида озиқ-овқатдан қийналиб қолганда олий ҳукмдор талон-тарождан тўпланган ўлжанинг бир қисмини аскарларга бўлиб берган. Бу ишни ҳам одатда тавочилар бажаришган.

Фотихлар ўзга мамлакатларга ҳарбий юришлар уюштирилганларида, хусусан, бу юришлар бир неча йилга мўлжалланганда улар қўшини билан душман мамлакатига яқин келиб, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қўлай бир манзилда қишлар ва бўлажак урушларнинг тайёргарлигини ўша ерда битирар эдилар.

Камал хавфи туғилганда эса теварак-атрофдаги қишлоқ халқини қалъага қўчиртириб келтириш ҳам тавочилар вазифасига кирган.

Тарихий манбаларда бир қатор олий давлат муассасалари (девонлари) орасида "девоини тавочи" аталмиш муассаса ва "тавочилиги" деган лавозим ҳам қайд қилинган. Демак, тавочилар махсус олий ҳарбий идора қарамоғида бўлиб, "тавочилиги" бу девоннинг бошлиғи ҳисобланган.

Юқорида келтирилган далиллардан маълумки, тавочилар юқори даражадаги ҳарбий мансабдорлардан бири бўлган.

З.Мухторов,
Самарқанд вилояти Иштихон туман тарихи музейи директори

<p>МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285</p>		<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содиқова Адади - 8302 Буюртма - Г - 1227 Сотувда келтирилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ</p>	<p>Газета "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 20.00 Топширилди - 20.00 1 2 3 4 5 6</p>
<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ</p>	<p>Бош муҳаррир: Дилбаҳор Худойбердиева Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Таҳририятга келган кўлёмзалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>		
<p>Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.</p>				